



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTINING ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎН ТЎҚҚИЗ ЙИЛЛИК БАЙРАМИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Биз учун энг буюк, энг азиз қадрият бўлмиш истиклолимизнинг ҳар бир санаси янги тарихимиз соҳнамасида том маънода ёрқин саҳифа бўлиб, халқимизнинг фидкорона меҳнати, бунёдкорлик салоҳиятининг яна бир амалий намоёни, эркин, озод ва фаровон ҳаётимиз, гурур-ифтихоримиз тимсоли сифатида кенг нишонланиб келмоқда. Муσταқиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш билан боғлиқ тадбирлар эл-юртимиз, айниқса, ёш авлодимиз қалбида она юрт тупроғини кўзга тўтиб қилиб яшаш, Ватанга меҳр ва садоқат туйғусини юксалтиришда катта аҳамият касб этмоқда.

Ана шу муҳим йўналишда шаклланган аъёнларни узвий давом эттирган ҳолда, ўтган давр мобайнида барча соҳа ва тармоқларда қўлга киритган улкан марралар, ютуқ ва натижаларимизнинг моҳияти ва аҳамиятини, қадр-қимматини теран идрок этиш, уларни эл-юртимиз ва халқаро жамоатчилик ўртасида кенг тарғиб қилиш, байрам тадбирларини халқимиз қалбида чуқур таассурот қолдирадиган юксак савияда ўтказиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси давлат муσταқиллигининг ўн тўққиз йиллик байрамининг тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича республика комиссиясининг таркиби илова-вага мувофиқ тасдиқлансин.

Республика комиссияси бир ҳафта муддатда «Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон» деган эзгу гоани ўзида муҳассама этган ташкилий-амалий, маданий-маънавий тадбирлар ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлари дастурини ишлаб чиқсин.

2. Ушбу дастурни тайёрлашда қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратилсин: ўтган ўн тўққиз йиллик муσταқил тараққий-ёт йўли Ўзбекистонимиз учун сиёсий соҳада, давлат ва жамият қурилиши, иқтисодиёт, ижтимоий ҳаёт ва маънавият, суд-ҳуқуқ тизими, ташқи сиёсат ва хавфсизлиқни таъминлаш борасида ривожланиш ва юксалиш, жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаш даври бўлганини чуқур очиб бериш; муσταқиллик йилларида эришган энг катта бойлигимиз — халқимизнинг тинч ва осуда ҳаёти, жамиятимиздаги ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат ва бағрикенглик каби олижаноб фазилатлар, миллий ва умумбағсарий қадриятларга уйғун бўлиб яшаш тамойили тобора муσταҳкамланиб бораётганини тарғиб этишга қаратилган тадбирларни амалга ошириш;

шу ўтган даврда бетакор меҳоримиз, бой тарихимиз, дини диёнатимиз, қўхна урф-одат ва аъёнларимизнинг қайта тиклангани, одамларимизнинг дунёқароши тубдан ўзгариб, Ватан тақдирини ва истиклолимизнинг ўзбек халқининг ўзбекиёганини ўтказиладиган барча тадбирларнинг маъно-маъмулига теран сингдириш;

истиклол халқимиз учун янги-янги имкониятлар туддириб бераётганини, ҳар бир юртдошимизнинг ўз истеъдод ва қобилиятини намоён этиши, мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳеч қандай кам бўлмайдиган ҳаёт барпо этишининг муσταҳкам замини бўлиб келаётганини ўтказиладиган барча тадбирларнинг маъно-маъмулига теран сингдириш;

биз ташаббусланган миллий тараққийот йўли асосида юртимизда кенг қўламли ислохотлар янги босқичда давом эттириладигани, Ўзбекистоннинг жаҳон молиявий инкирози шароитида иқтисодиётнинг ўсиш суръатлари, аҳолининг ҳаёт даражасини барқарор сақлаб қолиш борасида эришадиган амалий натижаларни, тараққийотнинг ўзбек моделига хос устувор тамойиллар дунё жамоатчилиги томонидан кенг эътироф этилётганига алоҳида эътибор қаратиш;

мамлакатимизда қабул қилинган муҳим ижтимоий дастурлар, жумладан, «Барқарор авлод йили» Давлат дастурининг ижобий самараларини, ёш авлод таълим-тарбияси, уларнинг ҳам маънавий, ҳам jismoniy соғлом бўлиб камол топаётганини аниқ ва таъсирчан ҳаётий мисоллар ёрдамида ёритиб бериш.

3. Республика Маънавият ва маърифат кенгаши томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳрида Муσταқиллик байрамига бағишлаб аҳолининг кенг қатламлари ўртасида маърифий учрашувлар, жонли мулоқот ва суҳбатлар, адабий-бадиий кечалар, маданий тадбирлар ўтказиш мақсадида танқилли олимлар, адиблар ва санъаткорлардан иборат маънавий-маърифий тарғибот гуруҳлари ташкил этилсин ҳамда уларнинг аниқ режа асосида фаолият олиб бориши таъминлансин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимликларига, Хотин-қизлар кўмитаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати,

«Нуроний» ва «Маҳалла» жамғармаларига Муσταқиллик байрамининг ўн тўққиз йиллигини муносиб нишонлаш учун жойларда тегишли комиссиялар тузиш ҳамда республика дастурида белгилаб берилган асосий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш, байрам муносибати билан шаҳар ва қишлоқларда, маҳалла ва гузарларда, қўнқавадли уйлар атрофида ободонлаштириш ишларини олиб боришни қўзда тутадиган тадбирлар режасини ишлаб чиқиб таъминлансин.

Мақсур режа ва дастурлардан ўрин олган тадбирларни расмийлик билан ҳамда парвозлик ҳолатларига йўл қўямасдан, кенг жамоатчиликнинг вақилларини жалб этган ҳолда, оддий одамларнинг қалби ва онгига етиб борадиган, уларнинг руҳи ва кайфиятини кўтарадиган, янги марралар сари илҳомлантирадиган таъсирчан шаклда ўтказишга алоҳида эътибор қаратилсин.

5. Республика комиссияси ўз йиғилишларида дастурда белгиланган чора-тадбирлар мақсади ва жойларда қандай амалга ошириладигани юзасидан ҳар қайси ҳудуд, вазирлик ва идора раҳбарлари ҳисоботини мунтазам равишда эшитиб борсин.

6. Мамлакатимиз пойтахти Тошкент шаҳрида, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда ўтказиладиган байрам дастурларини тайёрлашга оммавий томошалар бўйича юксак профессионал маҳорат ва тажрибага эга бўлган сценарист ва режиссёрлар, ёзувчи ва шоирлар, композитор ва балетмейстерлар, сахна рассомлари, истеъдодли ёш санъаткорлар, фольклор санъати вақилларидан иборат иқтидорли гуруҳлар кенг жалб этилсин.

7. Маданият ва спорт ишлари вазирлиги «Ўзбекнаво» эстрада биланшмаси, Ўзбекистон ва Бастакорлар уюшмалари билан биргалликда юртимиз истиклолини тараннум этишга қаратилган энг яхши қўшиқлар, музыка асарлари учун «Ягонасан, муқаддас Ватан!» республика танловининг якуний босқичини ўтказсин. Танлов голиблари ва совриндорлари Муσταқиллик байрами арафасида эълон қилинсин.

8. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси билан биргалликда август ойининг охирида мамлакатимиз муσταқиллигига бағишланган «Энг улуг, энг азиз» аъёнларий танловининг якуний босқичини ўтказсин.

9. Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Ўзбекнаво» эстрада биланшмаси ва Бастакорлар уюшмаси ёш ижроачилар ўртасида «Нихол» мукофотига номзодаларнинг республика саралаш босқичини ҳамда голиблар ижросидаги концерт дастурини август ойининг биринчи ярмида юқори даражада ташкил этсин.

10. Белгилаб қўйилсинки, ўтказиладиган байрам тадбирлари:

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда маҳаллий бюджетлар ҳамда жойларда ишлаб чиқариш корхоналари, хўжаликлар, жамғармалар ҳисобидан;

Тошкент шаҳрида республика бюджетини Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети маблағлари ҳисобидан тенг улушларда қўллансин.

11. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, «Жаҳон» ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига муσταқилликнинг ўн тўққиз йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича амалга ошириладиган ишларни атрофлича ёритиб бориш таъсия этилсин.

12. Мақсур қарорнинг ижросини таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.



Оқ йўл, битирувчилар!

■ Президентимиз ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси органлари учун кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида 2003 йилда Олий ҳарбий божхона институти ташкил этилган эди.

Кунини кеча Марказий Осиёда ягона бўлган ушбу олий таълим даргоҳида ташкил этилганидан буён туртинчи бор битирувчиларга дипломлар топшириш ва уларни муσταқил ҳаётга, яъни эл-юрт хизматига қузатиш маросими бўлиб ўтди.

→4

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ҲУКУМАТИ ВА МАРКАЗИЙ БАНКИ ҲАМДА ХАЛҚАРО ВАЛЮТА ЖАМҒАРМАСИНИНГ ҚЎШМА БАЁНОТИ

Тошкентда 30 июнь кунини Халқаро валюта жамғармаси (ХВЖ) миссияси ва Ўзбекистон Республикаси расмий органлари қўйидаги қўшма баёнотни қабул қилди: «Халқаро валюта жамғармаси миссияси 2010 йилнинг 14-29 июнь кунлари Ўзбекистон билан IV модда бўйича 2010 йилги маслаҳатлар доирасида муҳокамалар ўтказиш учун Тошкентда бўлди. Миссияга ХВЖнинг Яқин Шарқ ва Марказий Осиё мамлакатлари департаменти директори Ўринбосари Дэвид Оуэн иштирок этди.

Муҳокама чоғида жаҳон инкирози даврида қабул қилинган иқтисодий сиёсатнинг инкирозга қарши чораларига, 2009 йилнинг иқтисодий якунларига, 2010 йил ва ўрта муддатли истикболда иқтисодий ривожланиш истиқболларида, шунингдек, Ўзбекистон учун долзарб бўлган иқтисодий амалга ошириладиган ишларни атрофлича ёритиб қаратилди.

Расмий органларнинг пухта ўйланган иқтисодий сиёсати ту-

файли жаҳон иқтисодий инкирози шароитида ҳам Ўзбекистон барқарор мамлакат бўлиб қолмоқда. Мақсур сиёсат бюджетнинг сезиларли профитини таъминлади ва уларга бу даврда ривожланиши қўллаб-қувватлаш учун катта миқдордаги ресурсларни тўplash имконини берди. Миссия расмий органларни инкирозга қарши ўз вақтида ва самарали чораларни кўргани билан табриқлади, расмий органларнинг инкирозга қарши дастурлари, жумладан, солиқ юқининг камайитрилиши 2009 йилда жаҳон инкирозининг банк секторига таъсирини чекаш, тўлов баланси ижобий салдосини ва юқори ўсиш суръатларини сақлашда муҳим аҳамият касб этганини қайд этади. Жаҳон молия бозорларидан қарз олишга гоят эҳтиёткорлик билан ёндашиш ҳам мамлакатга глобал инкирози таъсирини юмшатиш имконини берди. Яппи ички маъсулотнинг реал ўсиши 2009 йилда 8,1 фоизни ташкил қилди, бу дунёдаги энг юқори курсаткичлардан биридир. Айна вақтда инфляциянинг ўртача ўсиши сезиларли даражада ошмади.

Инкирозга қарши чоралар дастури самараси давом этаётгани,

расмий органларнинг саноятни модернизация қилиш ва инфратузилмани ривожлантириш дастури, ташқи иқтисодий конъюктурани яхшилаш туяфайли 2010 йилда реал ялпи ички маъсулотнинг янада ўсиши ва у 8 фоизни ташкил этиши кутилмоқда. Расмий органлар ва миссия келажақда ҳам пухта ўйланган макроиқтисодий сиёсат ёрдамида инфляция босими шаклланишининг олдини олиш қисқа муддатли истикболда асосий вазифа ҳисобланганини маълум қилди.

Миссия расмий органларнинг мамлакат аҳолиси жон бошига реал даромадини янада ошириш, реал даромаднинг ёш ички учун янги иш ўринларини ташкил этиш Ўзбекистоннинг ўрта муддатли истикболдаги вазифаси экани ҳусусидаги фикрини тўла маълум қилди. Бунда расмий органларнинг саноятни модернизация қилиш бўйича дастури Ўзбекистонда инвестицияларни кенгайтириш учун асос бўлиб хизмат қиладиган инфратузилмани ривожлантиришга қаратилган. Кейинги тўрт йилда молия секторига жиддий ривожланишга эришилди, банклар капитали ва активларининг сезиларли даражада кўпайиши банк

секторини барқарорлаштиришга ёрдам берди ва саноятни модернизация қилиш ҳамда инфратузилмани ривожлантириш давлат дастурини қўллаб-қувватлаш имконини беради.

Давлат дастурининг иқтисодий афзалликларини тўла амалга ошириш мақсадида миссия қатор таъсиялар берди. Бу таъсиялар катъий пул-кредит сиёсатини, янада молашулчан курс сиёсатини, айнақса, валюта тизими ва солиқ қилиши, молия секторини ривожлантиришни, шунингдек, маълумотлар сифати ва тарқатилишини яхшилашни давом эттиришни ўз ичига олган. Мақсур таъсиялар расмий органлар томонидан иқтисодий сиёсатни такомиллаштириш ва амалга оширишда синчковлик билан қўриб чиқилади.

Миссия расмий органлар эътиборини ХВЖ Ўзбекистонга ислотларни янада чуқурлаштиришда, жумладан, техник ёрдам қўрастишга тайёр эканига қаратди.

Миссия Ўзбекистоннинг расмий органларидан яқин ҳамкорлик ва масалаларни очиб ва самарали муҳокама қилгани учун миннатдордир.

ХАЛҚ МЕХРИНИНГ ҚУДРАТИ

Минг-минглаб одамлар, қариялар, ҳомиладор хотинлар, қўлида чақалогини кўтарган аёллар, болалар ва ярадорлар босқин, зўравонликлардан Ўзбекистон ҳудудида паноҳ топди.

→2



**Ўзбекистон Республикаси
Президенти И.КАРИМОВ**
Тошкент шаҳри,
2010 йил 30 июнь

ХАЛҚ МЕХРИНИНГ ҚУДРАТИ

■ Қирғизистоннинг Ўш шаҳри ва Жалолобод вилоятида ўзбек миллатига мансуб аҳолига нисбатан уюштирилган шафқатли қиргин, талон-торож ва хунрезлик Ўзбекистон халқини парзага солди. Жабрдийдаларнинг бошига тушган кулфатни батафсил ёзишга қўл бормайди, қоғоз ҳам дош бермайди. Қадим Ўш шаҳри ўз тарихида не-не босқинларни бошидан кечирмаган, ammo бундай ёвузликни кўрмаган эди, десак, ҳеч муболаға бўлмайди.

Минг-минглаб одамлар, қариялар, ҳомилдор хотинлар, қўлида чақалоғини кўтарган аёллар, болалар, ярадорлар босқин, зўравонликлардан Ўзбекистон ҳудудида паноҳ топди.

Тинч аҳолига нисбатан уюштирилган бу қиргин жаҳон жамоатчилигини ташвишга солди. Бу ваҳшийликларни содир этаётганларга нисбатан қалбларда ғазаб ва нафрат кўзгалди. Очиғи, бундай тахликали вазиятда қизиққонликка берилиб, кескин чоралар кўрилишини истаётганлар ҳам йўқ эмасди. Минглаб одамларнинг тақдирини айнан Ўзбекистоннинг қандай қарор қилишига боғлиқ эди. Албатта, бундай оғир пайтда бир оғиз уйланмай айтилган сўз ҳам тузатиб бўлмади оқибатларга олиб келиши ҳеч гап эмас эди.

Ана шундай ўта мураккаб бир вазиятда Ўзбекистон Президентини Исмоил Каримов бу даҳшатли воқеа ортида қабих кучлар тургани, улар қандай ёвуз мақсадларни кўзлаётгани ҳақида фикр билдириб, Ўзбекистоннинг бу борадаги қатъий позициясини аниқ баён қилиб берди. Бу фожиага қирғиз халқи ҳам, у ерда яшаётган ўзбек миллати ҳам сабабчи эмаслиги, бу — четдан туриб пухта уюштирилган ва бошқарилган кўпоқувчилик ҳаракати эканини таъкидлаб,

давлатимиз раҳбари, жумладан шундай деди: «**Буни уюштирган кучларнинг пинҳона ҳаракати четдан туриб икки халқни бир-бирига қарама-қарши қилиш, қон тўкишга олиб келиш, энг ёмони, бу тўқнашувга Ўзбекистонни ҳам кўшидан иборат бўлган. Асосий мақсад-мудда — қандай қилиб бўлсада, Ўзбекистонда яшаётган ўзбекларнинг жабдини чикариб, шу мудҳиш қирғинга тортишга қаратилган.**»

Энди уйлаб кўрайлик, агарда Ўзбекистон ана шу фитнага учиб, божсача йўл тутганида нима бўлар эди? Бутун минтақамизда уруш алангаси авж олиб, ҳеч ўчмас олов домига тортилган эдик. Бунинг оқибатини уйлашнинг ўзи даҳшат. Уруш-жанжал бошланган жойдан қут-барақа қочади, минг-минглаб одамлар ўзaro низою адоватларга берилиб кетиши ҳеч гап эмас. Бу фитнани бошлаган қабих кучларга эса айнан шу керак эди.

Бироқ халқимиз Президентимизнинг фикрларини қўллаб-қувватлади, жаҳлга, эхтиросга эмас, балки ақл-идроқка таяниб иш юритди. Бу энг тўғри ва оқилона йўл бўлганини бугунги кунда бутун дунё эътироф этмоқда. Энг муҳими, ҳаётнинг ўзи ҳам буни амалда исботламоқда.

Албатта, содир этилган

қонли жиноятларнинг сабаблари, ташкилотчилари ва ижрочилари хали чуқур ўрганилиб, барча айбдорлар жавобгарликка тортилиши керак. Бу нафақат ўзбек ва қирғиз халқларининг, балки эзгуликни ўз ҳаётининг бош мақсади деб биладиган бутун инсониятнинг талаби, десак, хато бўлмайди.

Бу фожиали воқеаларнинг акс садоси барчамизнинг юракларимизни титратиб, изтиробга солган таҳликали кунларда халқимизнинг бағрикенглиги, инсонпарварлиги, тинчликсеварлиги яна бир бор намоён бўлди. Андижон ахли ўз бағрига олган қочоқлар билан сўхбатлар довомида уларга ҳамдард бўлган ва астойдил ёрдам кўрсатган ҳамюртларимизнинг олижаноб ишлари ҳақида эшитиб бунга яна бир бор иқроқ бўлдик.

Одатда ёрдам сўраб, ҳимояга муҳтож бўлиб келган одамда, ҳатто у қариндошингиз

бўлса ҳам, қандайдир тортиниш, хижолат ва андиша бўлади. Қирғизистон фуқаролари ҳам бошида шундай уйларга боришганини яширишмади. Аммо ватандошларимиз уларни уюшқонлик билан, бағрикенглик билан кутиб олгани, борини улар билан баҳам кўргани, чин дилдан қуюниб, меҳроқибат кўрсатганини миннатдор бўлиб айтиб беришди.

Ҳимоя сўраб Ўзбекистон чегарасига ўтган кўпчилик оналарнинг қўлида бир ҳафталик ёки бир ойлик чақалоғи бор эди. Шунингдек, яна қанчалаб ҳомилдор аёллар бўлган. Ўз зурриётларини асраб қолиш учун Ўзбекистонга — улар учун ҳақиқий нажот маскани бўлиб кўринган масканга таллинган бу муштиллар оналарни Ватанимиз бағрига босиб, уларнинг фарзанду зурриётларини соғомон сақлаб қолди. Содда қилиб айтганда, Ўзбекистон бу болалар, бу оналар тимсолида келажакни сақлаб қолди. Дунёда меҳр-оқибат, ор-номус, инсонийлик деган азалий тушунчалар, аждоқларимиз томонидан миллий ўзгилгимиз даражасига кўтарилган бетакрор кадрлар пойидор эканини амалда кўрсатди. Бу билан фахрланмай, гурурланмай бўладими!

Туғруқхонада фарзанд кўрган ёш оналар билан сўхбатлашдик. Одинахон Толипова қиз кўрибди. Унга Сарвиноз деб исм қўйибди. Раёно Нурматова фарзанд кўрганига тўрт кун бўлибди. Ҳали исм қўйишга улгурмабди. Зарифахон Аҳмедованинг биринчи фарзанди ҳам юртимизда кўз очибди. Яшн ияни билан ўғлининг исмини Исламбек қўйибди.

— Ўзбекистон халқига, Президентига мингдан-минг раҳ-

мат, — дейди у. — Бизнинг ҳаётимизни, ўғлимнинг ҳаётини сақлаб қолгани учун Аллоҳдан уларга фақат яхшилик тилаймиз!

Ҳассаса таянган қариялар, аравададаги ногиронлар, болалар ва ўсмирлар, турли дарарини улар билан баҳам кўрганига тиббий, руҳий ёрдам кўрсатилди. Минглаб одамларни қабул қилиш, жойлаштириш, кийим-кечак, кўрпа-тўшак, озиқ-овқат ва дори-дармон билан таъминлаш, хавфсизлигини ҳимоя қилиш осон иш эмас, албатта. Андижон вилояти соғлиқни сақлаш бошқармасининг маълумотига кўра, жабрдийдаларга тиббий ёрдам кўрсатиш учун 1000 нафардан зиёд шифокор ва хамшира, 65 та тез тиббий ёрдам машинаси сафарбар этилган. Ҳаммаси бўлиб 63 миң кишига тиббий ёрдам кўрсатилган. 2700 нафар киши стационлар тартибда дарволанган. 200 нафардан зиёд ҳомилдор аёл соғ-саломат фарзанд кўрган. 38 миңдан ортиқ бола полиомиелитга қарши эмланган.

Андижон вилояти ҳокимлигида қочоқларга ёрдам бўйича махсус ҳисоб рақами очилиши билан юридик ва жисмоний шахслардан улзуксиз маблағлар туша бошлаган. Бундан ташқари, турли корхона, ташкилот ва фуқаролардан иштиёрий равишда озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-кечак, бошқа зарур жиҳозлар тегишли манзилларга етказиб берилган. Кимки нима олиб келган бўлса, рўйхатдан ўтказилиб, тегишли тартибда тарқатилган. Ҳомийлик, саховатпешалик қилган одамлардан айримлари билан сўхбатлашмоқчи бўлдик. Аммо рўйхатда уларнинг исми шарифи ўрнига асқарият ҳоллар-

да «номаълум шахс» деб ёзилганини кўрдик. Шунинг ўзиёқ кўрсатилган барча ёрдамларнинг қанчалик беғараз ва чин дилдан бўлганидан далолат беради. Бу қадар олижаноблик ва муруватга фақат ҳақиқий мард инсонлар қодир бўлади.

Вилоят ҳокимининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ёрдамчиси Абдувоҳид Нурматовнинг айтишича, ҳанузгача бир отахон тўйга деб боқиб юрган сўқимини сўйиб, жабрланганларга тарқатибди. Кимдир қўй, кимдир қорамол етаклаб келган. Кимдир гуруч, кимдир кўрпа-тўшак, кимдир нон олиб келибди. Ҳатто талабалар йиғиб юрган стипендиясини ёрдам учун келтирибди. Пахтаобод тумани Маданият қишлоқ фуқаролар йиғинида бўлганимизда ҳам бундай мисолларни кўллаб айтиб беришди.

— **Дастлаб 12 июнь кунни кечга томон 787 кишини қабул қилган эдик, икки кун ичида уларнинг сони 2 миң 381 кишига етди.**

Аҳолига вазиятни тушуниригимизда ҳамма оёққа турди. Ҳатто мактаб ва коллеж ўқувчилари ҳам кечаю кундуз ёрдам беришди. Биласизми, Ҳатто товук қўтариб келганлар ҳам бўлди, — дейди тўққинлаиб фуқаролар йиғини раиси Қодиржон Собиров.

Ҳар кун юзлаб одамлар келиб, биздан нима ёрдам, нима хизмат деб турди. Тўғриси, халқимизнинг бундай жонфи-

долиги, бундай бағрикенглигини кўрдик. Шунинг ўзиёқ сартарошнинг қулфлар, сумкасини кўтариб қочоқлар лагерига етиб келди. Уч кун эртаю кеч шу ерда бўлиб, болалар ва эракарларнинг сочини олди. Бундай мисолларни яна қанча келтириш мумкин. Халқ — денгиздир, халқ — кучдир, халқ ҳамма ишга қодирдир, деган сўзларнинг исботини мана шу кунларда амалда кўргандек бўлдим.

Андижоннинг шоҳқўчасидан кетяпмиз. Йўллар четигаги турфа гуллар, киприкдек тизилган ам-яшиил арчалар, ён-атрофдаги бир-биридан гўзал биналарга қараб баҳри дилнингиз очилади.

Бизга ҳамроҳ бўлган вилоят ҳокимлиги вакили шаҳарда олиб борилаётган бунёдкорлик ва ободончилик ишлари ҳақида ҳикоя қилиб берди. Гап орасида вилоят галла топшириш бўйича давлат режасини биринчилардан бўлиб бажарганини айтиб ўтди.

Бағрикенг, юраги тоза, орзунияти инсонларнинг омадини Худо беради, деган фикр ҳаёлимиздан кечди. Ва беихтиёр тинчлик-тотувлик дунёдаги энг буюк неъматлардан бири эканига имон келтирдик. Лекин бу бойлиқни қадрлаш, асраш ва ҳимоя қилиш масъулияти борлиги, бунинг учун барчамиз доимо оғоҳ бўлиб, унинг ҳимоясига шай бўлиб яшамиз зарурлигини унутмаслигимиз шартлигини яна бир бор чуқур англадик.

Сафар ОСТОНОВ
Тошкент — Андижон — Тошкент

ҚИРГИЗИСТОНДАН ВАҚТИНЧА КЎЧИБ КЕЛГАНЛАРГА ИНСОНПАРВАРЛИК ЁРДАМИ ТЎҒРИСИДА

■ Аввал хабар қилинганидек, шу йилнинг 11-15 июнь кунлари Қирғизистон Республикасининг жанубида содир этилган фожиали воқеалар оқибатида 100 миңга яқин Қирғизистон фуқароси мамлакатимизнинг Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларида вақтинчалик қабул қилиниб, жойлаштирилган эди.

Уларга Ўзбекистон ҳукумати, корхоналари, муассасалари, жамоат ташкилотлари ва аҳолиси томонидан зарур ёрдам кўрсатилди. Чегарадош туманларда Қирғизистондан вақтинча кўчиб келганлар учун лагерлар ташкил қилинди.

Асқарият қисми хотин-қизлар, болалар ва қариялардан иборат жабрланганларни қўллаб-қувватлаш мақсадида халқаро ташкилотлар ва бир қатор давлатлар инсонпарварлик ёрдамини жўнатди.

Ўзбекистон ҳукумати томонидан Қирғизистондан вақтинча кўчиб келганларга инсонпарварлик ёрдамини тегишли манзилларга аниқ ва теозкорлик билан етказиб бериш учун барча чора-тадбирлар кўрилди.

Ўзбекистоннинг вақтинча кўчиб келганлар жойлашган ҳудудларига хориждан жами қиймати 3926,6 миң АҚШ долларига тенг инсонпарварлик юки келди. Уларнинг ярмидан кўпи халқаро ташкилотлар томонидан тақдим этилди.

Жумладан, БМТ 1 337,9 миң, Қизил хоч ва Қизил ярим ой жамияти 636 миң, ЮНИСЕФ 67 миң, Халқаро шифокорлар лигаси 64,4 миң, Чегара билмас шифокорлар 41,8 миң долларлик ёрдам кўрсатди.

Қирғизистон жанубида рўй берган фожиали воқеалар натижасида жабрланганларга Россия (1 280,5 миң доллар), ХХР (438 миң доллар) ва Грузия (60,9 миң доллар) ёрдам кўрсатди.

Кечак, озиқ-овқат ва маиший буюмлар билан таъминланди. Вақтинчалик кўчиб келганлар жойлашган лагерларни ташкил қилиш учун қўллаб одамлар ва молия ресурслари жалб қилинди.

Ўзбекистон ҳукумати жабрланганларга умумий қиймати 4 034 412,9 миң сўмлик инсонпарварлик ёрдами кўрсатди. Бундан ташқари, мамлакатимиз ташкилотлари ва корхоналаридан 3,1 миллиард сўмдан ортиқ пул маблағлари тушди, Ўзбекистоннинг барча аҳолиси катта ёрдам кўрсатди.

Қирғизистон Республикасининг муваққат ҳукумати вакиллари, Ўш ва Жалолобод вилоятлари губернаторлари, туманлар раҳбарлари вақтинчалик кўчиб келганлар учун Ўзбекистон ҳудудида ташкил этилган лагерларни келиб қурди. Улар Қирғизистон Республикаси фуқаролари билан учрашув чоғида вақтинчалик кўчиб келганларни ватанига қайтган, хавфсизлиги тўлиқ таъминланишига ишонтирди. Шу муносабат билан Ўзбекистон ҳудудида вақтинча яшаб турган қўшни давлат фуқароларининг деярли барчаси айни пайтда Қирғизистонга қайтди.

Шу муносабат билан Ўзбекистон ҳукумати жабрланганлар учун мўлжалланган инсонпарварлик ёрдами қиймати 2445,7 миң долларга тенг қолган қисmini қўшни давлатга беришни тақлиф этди.

Халқаро инсонпарварлик ёрдами йўналиши бўйича Ўзбекистонга жами 35 тонна дори-дармон келди ва улар беморлар ҳамда жараҳатланганлар ахтиёжи учун тўлиқ ишлатилди. Мам-

лакатимизга келган 168,6 тонна озиқ-овқат маҳсулотларининг 91,8 тоннаси Қирғизистондан вақтинчалик кўчиб келганлар ўртасида тақсимланди, қолган 76,8 тоннаси Қирғизистонга жўнатилмоқда.

Донорлар томонидан юборилган ноозик-овқат товарлар (палаткалар, кўрпа-тўшаклар, идиш-товуқ, канистрлар, генераторлар, кийим-кечаклар) 621,4 тоннани ташкил этди. Уларнинг 169,8 тоннасида вақтинчалик кўчиб келганлар лагерлари фаолияти довомида фойдаланилди. Ўзбекистон томони ушбу товарларнинг қолган 451,6 тоннасини Қирғизистонга топширади.

Умуман, Ўзбекистонга келган қиймати 3 926,6 миң долларлик инсонпарварлик юклирининг 1480,9 миң долларга тенг қисмидан фойдаланилди. Юқлар омондор орқали ёки тўғридан-тўғри лагерларга етказиб берилди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон қўшни мамлакатга БМТ ва Чегара билмас шифокорлар ташкилоти томонидан жўнатилган 70 тонна инсонпарварлик юкини транзит йўли билан етказиб бермоқда.

Андижон вилоятидаги «Дўстлик» чегара постига Қирғизистонга инсонпарварлик ёрдами юклирини топшириш маросими бўлди. Тадбир қатнашчиларининг айримлари журналистлар билан сўхбатда ўз фикрларини билдириди:

БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Анига НИРОДИ: — Ўзбекистон раҳбариятининг теозкор ва самарали саъй-ҳаракатлари натижа-

сида дунё ахли Қирғизистон жанубида содир этилган фожиали воқеалардан жабрланганларга зудлик билан ёрдам кўрсатиш имкониятига эга бўлди. БМТ озиқ-овқат ва ноозик-овқат ёрдами тақдим этди.

Биз мамлакатингиз ҳукуматидан самарали ҳамкорлиги, шунингдек, Ўзбекистон ҳудудидаги инсонпарварлик юклирининг қолган қисмини Қирғизистонга жўнатишдаги кўрсатаётган ёрдами учун миннатдоримиз. БМТ агентликлари ушбу инсонпарварлик ёрдами ахтиёжмандлар ўртасида тақсимлашни мувофиқлаштириб боради.

БМТнинг Қочқинлар иши бўйича Олий комиссари Антонио ГУТЕРОС:

— Биз Ўзбекистон ҳукуматининг оғир ахволда қолган одамларга ёрдам бериш борасида кўрсатган қатъияти ва саъй-ҳаракатларини юксак қадрлаймиз. Фожиали воқеалардан жабрланганлар ўз ватанига қайтди ва ҳозир уларни имкон қадар қўллаб-қувватлаш фоят муҳимдир. Шу муносабат билан биз Ўзбекистон раҳбариятига инсонпарварлик юклирининг қолган қисмини Қирғизистонга топширишни теозкорлик билан ташкил қилгани ва уларни қўшни мамлакатга етказиб беришда кўрсатаётган ёрдами учун миннатдорлик изҳор этамиз.

Қирғизистонда келгусида бундай фожиали воқеалар тақрорланмаслиги ва минтақда тинчлик, барқарорлик ҳукм суришига умид қиламиз.

БМТ Жаҳон озиқ-овқат дастурининг миқтақавий директори Дали БЕЛГАСМИ:

— Ўзбекистон томони кўрсатган ёрдам туфайли биз бугун Қирғизистон ҳудудида 100 тоннага яқин озиқ-овқатни қабул қилиб олдик. Бу ердаги одамлар озиқ-овқатга катта ахтиёж сезаётганини биламиз ва уни тегишли манзилларга ўз вақтида етказиб беришга ҳаракат қиламиз.

(ЎзА)

ЎЗХДП фаоллари ташаббуси билан

■ Тошкент шаҳар ҳамда Юнусобод туман партия кенгашлари «Фаол аёллар», «Истиқбол» ёшлар қанотлари ҳамкорликда бир гуруҳ номдор спортчи қизлар билан учрашув ташкил этди.

«Жисмоний баркамоллик гўзаллик демакдир»

Унда партия фаоллари, Юнусобод туманида жойлашган тиббиёт, таълим муассасалари ходимлари ва ёшлар иштирок этишди. Жаҳон, Осиё, республика чемпиони бўлган спортчи қизлар юртимизда спортга эътибор, соҳада амалга яширилётган ишлар, ўзлари эришган ютуқлари хусусида тўхталиб ўтишди.

— Спорт — навқиронлик, гўзаллик демакдир, — деди Юнусобод туман партия кенгаши «Истиқбол» ёшлар қаноти фаоли Зурад Газетдинова. — 12 ёшимдан спортга қизиқ бошлаганман. Аввалги бадий гимнастика, сўнг у-шу билан шуғулландим ва қўллаб ютуқларга эришдим. Олти қарра Ўзбекистон чемпиони бўлдим. 2007 йилдан бошлаб эса қаратъ билан шуғуллана бошладим. Жаҳон, Осиё, республика чемпионатларида иштирок этиб, турли совринларни қўлга киритдим. 2009 йил Зуфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаси бўлдим. Буларнинг барчасига юртимизда спортга, биз ёшларга қаратилаётган эътибор туфайли эришдим.

— Соғлом авлод деганда биз фақат жисмоний соғломликни эмас, балки шарқона одоб-ахлоқ ва миллий ҳамда умумбаширйи гоғлар руҳида камол топган инсонни тушунамиз, — деди Тошкент шаҳар партия кенгаши «Фаол аёллар» қаноти етакчиси Маргарита Аҳмедбекова. — Руҳи, фикри соғлом, йимон-эътиқоди бут, билимли, юксак маънавиятда авлод буюк давлат кура олади. Президентимизнинг «Баркамол ав-



лод йили» Давлат дастури тўғрисидаги қарорида ёш авлодни жисмонан баркамол этиб тарбиялаш, болалар спортини ривожлантириш соҳасида, айниқса, қишлоқ қизларини спорт билан мунтазам шуғулланишга кенг жалб этиш масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Мамлакатимизда бу борада қатор ишлар амалга оширилмоқда.


— Жисмонан соғлом, тафаккури кенг, Ватани ва халқига содиқ, масъулият ҳисси юксак авлодни камол топтирашда спортнинг роли бекиёб, — деди Юнусобод туман партия кенгаши раиси, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутаты Ниго-

ра Эшметова. — Қизларнинг спорт билан шуғулланиши келажакда ана шундай баркамол авлодни шакллантиришга асос бўлади. Бугунги кунда юртимизнинг турли ҳудудларида 10 миң нафардан зиёд қиз спортнинг гимнастика тури билан шуғулланмоқда. Иқтидор ва салоҳият бобида, ғайрат-шижоатда ҳеч қандай кам эмаслигини намоён этадиган спортчи қизлар сафи кенгайиб бориши барча-

миз учун қувончли ва фахрли.

— Миллатимизнинг ўзига хос урф-одатлари, анъаналари, санъати қаторида спортимиз ҳам жаҳонга юз тутмоқда, — деди Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институти талабаси, қўп қарра Осиё, республика чемпиони Лаура Қўшимбетова. — 11 ёшимдан тазквондо билан шуғулланаман. Қўп ютуқларга эришдим. Турли кўрик-танлов ва олимпиадалар ғолиби бўлдим. Ҳозир ўзбек жанг санъати билан шуғулланаяман.

Гулура ОДАШБЕОВА,
«Ўзбекистон овози» муҳбири,
Зиёдилла НОРМУРОВ
олган суратлар.





Ўқишга марҳамат!


Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университети 2010-2011 ўқув йилига қуйидаги олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича қабул эълон қилади.

1. Бакалаврлар тайёрлаш бўйича:

Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси (Ўзбек).
Психология (фаолият турлари бўйича, ўзбек).
Касб таълими: электроника ва микроэлектроника(Ўзбек).
Касб таълими: иқтисодиёт (Ўзбек).
Касб таълими: амалий санъат (Ўзбек).
Музыка таълими (Ўзбек).
Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими (Ўзбек).




Бошланғич таълим ва спорт-тарбиявий иш (Ўзбек, рус, тожик).
Жисмоний маданият.
Меҳнат таълими (Ўзбек, тожик)
Рус тили ва адабиёти (ўзга тилли гуруҳларда)
Филология ва тилларни ўқитиш: рус тили.
Филология ва тилларни ўқитиш: ўзбек тили.
Филология ва тилларни ўқитиш: тожик тили.
Тарих (мамлакатлар ва минтақалар бўйича, ўзбек, рус).
Археология (Ўзбек).
Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича, ўзбек).
Юриспруденция (фаолият турлари бўйича, ўзбек).
Биология (Ўзбек, рус, тожик).
Физика (Ўзбек, рус, тожик).
Механика (Ўзбек).
Астрономия (Ўзбек).
Кимё (Ўзбек).
География (Ўзбек).
Гидрометеорология (Ўзбек).
Математика (Ўзбек, рус, тожик).
Амалий математика ва информатика (Ўзбек).
Ижтимоий иш (фаолиятнинг турли соҳалари бўйича, ўзбек).
Экология ва табиатдан фойдаланиш (Ўзбек).



2. Магистратура мутахассисликлари тайёрлаш бўйича:

Таълимда ахборот технологиялари.
Ижтимоий педагогика.
Музыка таълими.
Миллий ғоянинг фалсафий масалалари.
Жисмоний маданият.
Адабиётшунослик (тиллар бўйича): Ўзбек адабиёти.
Рус адабиёти.
Лингвистика (тиллар бўйича): Ўзбек тили.
Шарқ тиллари.
Эстетика.
Ўзбекистон тарихи.
Умумий тарих.
Тарихшунослик, манбашунослик ва тарихий тадқиқотлар методлари (мамлакатлар бўйича).
Археология.
Меҳнат иқтисодиёти.
Одам ва ҳайвонлар физиологияси.
Назарий физика.
Биотехнология.
Микробиология.
Лазер физикаси.



Атом ядроси ва элементар заррачалар физикаси.
Иссиқлик физикаси ва молекуляр физика.
Астрофизика, радиоастрономия.
Деформацияланувчи қаттиқ жисм механикаси.
Табиий география, ландшафтлар геофизикаси ва геохимияси.
Куруқлик гидрологияси, сув ресурслари
Математик таҳлил.
Дифференциал тенгламалар.
Эҳтимоллар назарияси ва математик статистика.
Математик мантиқ, алгебра ва сонлар назарияси.
Ҳисоблаш математикаси.
Амалий математика ва ахборот технологиялари.
Математик физика.
Касб таълими: амалий санъат.
Экологик экспертиза.



Ўқишга киришни хоҳловчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари керак: ректор номига таълим йўналиши ва ўқув тили кўрсатилган ариза, 086-У шакл бўйича тиббий маълумотнома, 3x4 ўлчамдаги 6 дона фотосурат, ўрта ёки ўрта махсус, касб-ҳунар маълумоти ҳақидаги ҳужжатнинг асл нусхаси. Паспорт ва ҳарбий гувоҳнома шахсан кўрсатилади.
Ҳужжатлар шу йилнинг 20 июнидан 20 июлигача қабул қилинади.
Манзиллими: Самарқанд шаҳри, Университет хиббони 15, Физика-кимё факультетлари биноси. Телефон: 235-39-64. СамДУ қабул комиссияси.

Ўқишга киришни хоҳловчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари керак: ректор номига таълим йўналиши ва ўқув тили кўрсатилган ариза, 086-У шакл бўйича тиббий маълумотнома, 3x4 ўлчамдаги 6 дона фотосурат, бакалавр дипломи асл нусхаси (дипломдан қабул қилинган шаклдаги кўчирма). Паспорт ва ҳарбий гувоҳнома шахсан кўрсатилади.
Ҳужжатлар шу йилнинг 1 июлидан 30 июлигача қабул қилинади.
Манзиллими: Самарқанд шаҳри, Университет хиббони 15, Физика-кимё факультетлари биноси. Телефон: 235-39-64. СамДУ қабул комиссияси.

Хорижда

Маблағ етишмаганлиги сабабли

кейинга қолдирилди


Латвияда шу ойдан эътиборан уй ҳайвонларини, шу жумладан, ит ва мушукларни рўйхатга олиб, ягона рўйхат тизими яратиш масаласи маблағ етишмаганлиги сабабли кейинги йил июлга қолдирилди, дея хабар беради «Телеграф» АА.

Мамлакат маъмурияти уй ҳайвонлари ҳақидаги тулиқ маълумотлар базасини яратиш орқали улар назоратини, айниқса, эмлаш тадбирларини тизимли олиб боришни, уй ҳайвонлари учун белгиланган бож тўловларини (масалан, Ригада итлар учун солиқ тартиби жорий қилинган) режални ундиришни мақсад қилган эди.
Ҳисоб-китобларга қараганда, уй ҳайвонларини рўйхатга олиш ишларига 344 минг лат (600 минг АҚШ доллари атрофида) микдорда маблағ керак.

Хорижликка турмушга чиқиш

ёки уйланиш таққиланади

Саудия Арабистони подшоҳлиги Маслаҳат кенгаши янги қонун қабул қилди. Унга кўра Саудия Арабистони фуқароси хориқ фуқаросига турмушга чиқиши ёки хорижликка уйланиши таққиланади. Фақат айрим лавозимдор шахсларгина бундай таққилвондан истисно қилинди.



Аниқроқ айтганда булсак, «Asharq Alawsat» газетасида ёзишларича, вазирлар, подшоҳлик саройи хизматчилари, шаҳзода девонхонаси вакиллари, Маслаҳат кенгаши ва Вазирлар Маҳкамаси, ташқи ишлар, мудофаа, ички ишлар вазирликлари, миллий гвардия, подшоҳлик соқчилиги, разведка ва мудофаа саноати масъуллари подшоҳ руҳсати билан хорижликка уйланиши ёки турмушга чиқиши мумкин.

Кимки бу тартибни бузса, 100 минг риал (27 минг АҚШ доллари) миқдорда жарима жазосига тортилади. Бундан ташқари, банқдан кредит олиш имкониятидан маҳрум қилинади.

Журналист масъулияти

Муносабат Президентимизнинг матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларини кун муносабати билан соҳа ходимларига йўлаган табриги Наманган вилоятида ҳам миннатдорлик билан кутиб олинди. Касб байрамига бағишлаб давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирокида ўтказилган тадбирларда журналистнинг ҳаётимиздаги ўрни ва вазифалари ҳусусида фикрлашиб олинди.

педагогика, алоқа ва ахборот коммуникацияси касб-ҳунар коллежларида махсус бўлимлар ташкил этиш масалаларида фикр юритди.

Дарҳақиқат, тадбирлар давомида соҳани амалда «туртинчи ҳокимият» даражасига кўтариш, мустақилликни ҳар томонлама мустақамлаш, биринчи навбатда тинчликнинг бебаҳо неъмат эканини янада кенг тарғиб этиш, давлат бошқаруви барқарорлиги ва аҳолининг ҳаммаша оғоҳ бўлишини таъминлаш, қонун олдида барчанинг тенг экани амалда ўз таълимий топишига эришиш ҳар бир журналистик материалнинг асосини ташкил этишини яна бир қарра ҳис қилдик.

Номи: **ДЕҲҚОНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.**

Тадбирларда Президентимиз табригида журналист бурчи, ўз умрини шу заҳматли касбга бағишлаган ҳар қайси инсоннинг фуқаролик масъулияти, ҳаммаша давр билан ҳамнафас бўлиб, жамиятдаги ўқитиш муаммоларини дадил кўтариб чиқиши, уларга жамоатчилик ва кенг омманинг эътиборини қаратиши, эл-юрт дарди ва истиқболни учун куйиб-ёниб яшаши кераклиги ҳақидаги фикрлари тадбир қатнашчилари

диққат эътиборида бўлди. Вилоят журналистлари бу сўзлар уларни ўз фаолиятларига танқидий баҳо беришга ундаётганини таъкидлашди.

Сўзга чиққанлар қатор тақлиф мuloҳазалар билдиришди. Хусусан, таҳририятлар вилоятдаги матбаа корхоналарини замонавий технологиялар билан жиҳозлаш, журналист ва техник ходимлар тайёрлаш тизимини янада таркомиллаштириш бўйича

Сув таъминоти яхшиланади

Бугун қадим ва навқирон Самарқандда кенг қамровли бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари олиб борилмоқда. Қатор автомобиль йўллари, ўнлаб турар-жой масканлари, савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчалари барпо этилиши билан бирга, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш борасида ҳам катта ишлар қилинмоқда.

— Хозиргача 80 фюз иш бажарилди. Режада 130 километр узунликда сув қувурлари ётқизиштириш белгиланган эди. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида бу кўрсаткич 127 километрга етказилди, — дейди «Сувоқава» корхонаси бош муҳандиси Бахтиёр Абдусаматов. Соҳа мутасаддиларининг таъкидлашича, замонавий сув қувурлари ётқизиштириш муносабати билан аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш янада яхшиланади.

Абдували **ХУДОЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.**

Мутахассисларнинг маълумотига кўра, қарийб 400 минг аҳоли истиқомат қилаётган кўҳна шаҳарда илк ичимлик суви ўтган асрнинг 30 йилларида ўтказилган. Мавжуд 788 километр ҳажмдаги сув қувурларининг аксарияти хизмат муддатини аллақачон ўтаб бўлган. Шу сабабли ҳуку-

Ташкилотлар ва корхоналар раҳбарлари диққатига!

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

қуйидаги объект бўйича пудратчи ташкилотни танлаш юзасидан очиқ танлов савдоси ўтказилишини эълон қилади:

Термиз давлат университети спорт мажмуасини электр ёритиш билан таъминлаш

Объектнинг бошланғич нархи: қўшилган қиймат солиғи билан — 204,321 млн. сўм, қўшилган қиймат солиғисиз — 170,267 млн. сўм.
Қурилуш муддати — 60 кун.
Буортмачи: Сурхондарё вилояти Термиз давлат университети.

Манзили: Термиз шаҳри, Ф.Хўжаев кўчаси, 43-уй, Тел/факс: (8-376) 222-88-19.

Объектнинг қурилиш ишларини молиялаштириш — Давлат бюджет маблағи ҳисобидан амалга оширилади.
Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга жавоб беришлари керак: танлов савдolari предметининг 20 фюз миқдоридоги айланма маблағнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағни бериш банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларига, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдосида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари ва фирмалари иштирок этганда, уларнинг танлов тақлифлари баҳоланганда мамлакатимиз пудратчилари учун қуйидаги нарх преференциялари кўзда тутилади: танлов иштирокчиларининг тақлифларини баҳолаш жараёнида танлов тақлифларида четдан ишлар (хизматлар) киритилиши кўзда тутилганда ва бунда импорт қилувчилар қонунга мувофиқ қўшимча қиймат солиғидан озод этилган бўлса, тақлиф қўшимча қиймат солиғи суммасига қўшиб ҳисоблаган ҳолда баҳоланади.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — «Ўздавархитектурлиш» кўмитасининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Сурхондарё вилояти худудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин: **Термиз шаҳри, Амир Темур кўчаси, 69-уй, телефон/факс: (8-376) 222-44-73, 222-44-76.**

Бир тўпلام танлов ҳужжатларининг нархи — 60 000 сўм. Тақлифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишининг охириги муддати — оферталар очилиши кунини ва соати.

Тақлифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин қуйидаги манзилда: **Термиз шаҳри, Амир Темур кўчаси 69-уйда** ўтказилади.

Қинғирликнинг «миси» чиқди

Солиқ ва ислоҳот Президентимизнинг солиқ органлари тизимини модернизация қилиш тўғрисидаги қарорига асосан Давлат солиқ кўмитасида Бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини назорат қилиш Бош бошқармаси ҳамда унга бўйсунадиган худудий бўлимлар ташкил этилди.

Янги тузилма таркибида малакали солиқ ходимларидан иборат суриштирув бўлими мавжуд бўлиб, улар белгиланган объектларда молиявий-иқтисодий ва солиқ соҳаларидаги ҳуқуқбузарлик ҳолатлари содир этилганда, терговдан олдинги текширишларни олиб боради. Бу жараёнда жиноят ишлари аниқланган тақдирда иш ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига топширилади. Бугунги кунда маз-

кур тузилма томонидан кўплаб қонунбузилиш ҳолатларининг олди олинапти.

Жумладан, Бош бошқарманинг Тошкент шаҳар бўлими ходимлари томонидан Шайхонтохур тумани, «Эски Жўва» деҳқон бозори худудидаги «Chorus Gold» масъулияти чекланган жамиятга қарашли савдо дўконида қисқа муддатли текширув ўтказилди.

Бунинг натижасида дўкон сотувчиси харидорга харид учун 164,0 минг сўмлик чек бермагани, 110,0 минг сўм миқдорда кунлик савдо

тушумини эса назорат-касса машинасига кирим қилмагани аниқланди. Шунингдек, 107,0 минг сўм миқдорда савдо тушуми банк муассасасига топширилган ишончли расмийлаштирилган ва унга «конверт» усулида иш ҳақи тўланаётгани маълум бўлди.

Бундан ташқари, дўконда кирим ҳужжатлари бўлмаган 171 028,5 минг сўмлик заргарлик буюмлари мавжудлиги аниқланди.

Ушбу қонунбузилиш ҳолати бўйича текширув ҳужжатлари тегишли тартибда расмийлаштирилиб, ҳуқуқий ҳулоса бериш учун тегишли органга юборилди.

Давлат солиқ кўмитаси Ахборот хизмати

Qishloq Qurilish Bank

Дизель (бензо) генератор қурилмаларини сотиб олиш бўйича тақроран танлов эълон қилади.
Танловда қатнашиш учун тақлифлар эълон чиққан кундан бошлаб 7 кун давомида қабул қилинади.
Қўшимча маълумотлар учун:
100060, Тошкент шаҳри, Шахрисабз кўчаси, 36-уй, 2-қават, 235-хона
Тел: 236-16-03, 236-16-17

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Қорақалпоғистон республика кенгаши Чимбой туман партия кенгаши раиси Аманбой Сейилбековнинг Толибой Сейилбековнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Қарор ва ижро

Президентимизнинг «Болалар спорти объектидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ушбу соҳада амалга оширилиши лозим бўлган бир қатор вазифаларни белгилаб берди.



Малакали мураббийлар

тайёрлаш бош вазифамиз, — дейди ЎзДЖТИ ректори Олимжон Қурбонов



— Шу йил март ойида ўтказилган Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Хомийлик кенгашининг навбатдаги йиғилишида мавжуд болалар спорти объектининг жорий ҳолати ва улардан фойдаланиш самарадорлиги хусусида тўхталиб, танқидий баҳо берилди.

да фикр-мулоҳазалар билдирилди. Институтимиз жисмоний тарбия ва спорт мутахассислари тайёрлашга ихтисослашган етакчи олий ўқув юрти бўлган учун тренерлар тайёрлаш бўйича белгилаётган чора-тадбирлар бизнинг жамоамиз зиммасига катта масъулият юклайди.

ривожлантириш таълим йўналиши очилди. Хозирда ана шу йўналишда 769 нафар талаба тахсил олаётган бўлса, шулардан 212 нафари бу йил ўқишни тамомлаб, бакалавр дипломига эга бўлишди.

— Юқоридаги қарорда тренерлар малакасини ошириш масаласига ҳам алоҳида аҳамият берилган... — Болалар спортини ривожлантириш борасидаги эзгу ташаббус, хайрли ишлар ўз самарасини бермоқда.

Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан 2003-2009 йиллар мобайнида республикада намунавий лойиҳалар бўйича 1117 та болалар спорт объекти барпо этилди ва фойдаланишга топширилди.

— Шу қўнларда малакасини ошириш бўйича ўқув йили учун қабул бошланди. Айтиш керакки, бу борада қандай янгиликлар ва ўзгаришлар бор? — Хабарингиз бор, ўтган йилги ўқув йилидан бошлаб институтимизда спорт психологияси таълим йўналиши очилган ва 25 нафар талаба ўқишга қабул қилинган эди.

Оқ йўл, битирувчилар!

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Тантанали маросимда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси раиси Садиҳон Носиров, Республика Маънавият тарғибот маркази раҳбари Минхожиддин Хожиматов битирувчиларни қутлаб, уларга мустақиллигимизни янада мустаҳкамлаш, мамлакатимиз хавфсизлиги ва унинг иқтисодий манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилиш, халқимизнинг тинч-фаровон ҳаётини таъминлашдек масъулиятли ишларида муваффақият тилашди.



улиятли эканлигини англаб етдик. Мамлакатимизга хоржий мамлакатлардан ташриф буюраётган ҳар бир инсон биринчи галда божхона ходими билан мулоқотда бўлади.

— Бу даргоҳда ёшларга таълим ва тарбия бераётган устоз-мураббийларга барча ота-оналар номидан миннатдорчилик билдираман, — дейди Фолининг отаси Абдукарим Мавлонов.

Тоштемир Худойкулов

Ёнғин хавфсизлиги мутахассислари

Мамлакатимиз ички ишлар идоралари тизимига малакали, етук кадрлар етказиб беришда Ички ишлар вазирлиги Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактабининг алоҳида ўрни бор.

Куни кеча олийгоҳда навбатдаги битирувчиларни табриклаш маросими бўлиб ўтди. Унда Ички ишлар вазирлиги раҳбарияти, фахрийлар, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ота-оналар иштирок этди.

Етук кадрларга диплом топшириш тадбири эсда қоларли бўлди. Бугун Азамат Орипов ва Соҳиб Султоновнинг қувончи чексиз. Негаки, ўқишда, жанговар шайлик, интеллектуал салоҳиятда юқори натижаларга эришганлиги учун уларнинг номи биринчилардан бўлиб тилга олинди.

Равашон Шодиев, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Муайтайчиларимиз ғалабаси

Пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» спорт мажмуида муайтай бўйича Осиё очик чемпионати зўр уюшқоқлик билан ўтказилди.

Мазкур нуфузли мусобақада Раҳматжон Рўзиевнинг бош мураббийлиги қилаётган Ўзбекистон терма жамоаси ҳам муносиб иштирок этди.



Мухаммад АМИН (Ўза) олган сурат.

Навбат — чорак финалга!

Миллионлаб қалбларга олам-олам ҳаяжон улашаётган жаҳон чемпионати баҳслари ҳал қилувчи паллага кириб бормоқда.

Нимчорак финал босқичининг охириги тўрт учрашуви ҳам бир қатор қутулмаган натижаларни тўхфа этди.

Парагвай — Япония терма жамоалари ўйинининг асосий ва қўшимча вақтида дарвозалар дахлсизлиги сақланиб қолди.

Эртага чорак финал учрашувлари бошланади. Дастлабки куни Голландия — Бразилия, Уругвай — Гана терма жамоалари ўзаро куч синашса, 3 июлда қолган икки ярим финални номи аниқланади.



Шохрух МАНСУРОВ

Advertisement for Davlat-Tijorat Xalq Banki. It features the bank's logo and text in Uzbek: «МОНАТДАГИ МАБЛАҒИНГИЗ ЎН ҚАРРА ОРТИШINI ХОҲЛАЙСИЗМИ? ДАВЛАТ-ТИЖОРАТ ХАЛҚ БАНКИ». It lists services like mortgage and car loans, and provides contact information: 150-12-91.

Table listing various sections and their page numbers: BOSH MUHARRIR: Safar OSTONOV; TAHRIR HAY'ATI: Abdulla ORIPOV, Latif G'ULOMOV, Bobir ALIMOV, Sharbat ABDULLAYEVA, Murodulla ABDULLAYEV, Ulug'bek MUSTAFOYEV, Ta' yana KISTANOVA, G'affor HOTAMOV, Muslihidin MUHIDDINOV, Andrey KUSTOV, Ochilboy RAMATOV, Saidahmad RAHIMOV; MUASSIS: O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI; BO'LIMLAR: Partiya hayoti, Madaniyat va sport, Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot, Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot, Reklama va e'lonlar, Mas'ul kotib; VILOYAT MUXBIRLARI: Andijonda, Buxoroda, Gulistonda, Jizzaxda, Navoiyda, Namanganda, Nukusda, Samarqandda, Urganchda, Farg'onada, Denovda; MANZILIMIZ: 100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY; Navbatchi: Asror MO' MINOV; Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi; Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV; Korxonalar: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy; Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yxatga olingan. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq. Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi. ISSN 2010-7633; O'za yakuni — 22.10; Topshirilgan vaqti — 00.30; 2345; Sotuvda erkin narxda.